INNOVATION: THE JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND RESEARCHES
ISSN: 2181-3868 | SJIF-2023: 3.812 | ISI: 0.539 | VOLUME 3, ISSUE 3, 2025
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

МЕТАФОРИК НОМ КЎЧИШИ ҲОДИСАСИ

Эшимова Шарофат Кенжабоевна
Самарқанд давлат чет тиллар институти
катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.5281/zenodo.15686825

Аннотация. Ҳозирга қадар деривацион ҳодисалар талқини муайян бир тилнинг ички имкониятлари доирасида тадқиқ этиб келингани маълум. Айни пайтда деривацион ҳодисаларнинг анъанавий талқинида сўз ясалиши устувор масала сифатида қўйилгани боис, мазкур ҳодисанинг лексик, семантик ва синтактик деривациялар билан алоқадор жиҳатлари аниқ белгиланмаган. Шунинг билан бир қаторда тадқиқотларда деривацион ҳодисаларнинг муайян бир тилнинг ички имконияти доирасида юзага келадиган аналогик типларга алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада тропли деривация – яъни, метафора ҳодисасига қисқача тўхталиб ўтилгани ҳолда мисоллар келтирилиб уни ўрганишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: троп, метафора, деривация, семантик, синтактик, лексик, аналогик, тип, талқин, предмет, кўчим, абстракт.

Аннотация. До сих пор известно, что интерпретация словообразовательных явлений изучается в рамках внутренних возможностей конкретного языка. На данный момент в традиционных явлений словообразование является приоритетным вопросом, поэтому аспекты этого явления, связанные с лексическими, семантическими и синтаксическими деривациями, четко не определены. При этом в исследованиях особое внимание уделяется аналогическим типам деривационных событий, происходящим в рамках внутренней возможности определенного языка. В статье предпринимается попытка изучить тропообразование – т.е. феномен метафоры, приводя примеры и пытаясь его изучить.

Ключевые слова: троп, метафора, деривация, семантический, синтаксический, лексический, аналогичный, тип, интерпретация, объект, передача, абстрактное.

Abstract. Until now, it is known that the interpretation of derivational phenomena has been studied within the internal possibilities of a particular language. At the moment, in the traditional interpretation of derivational phenomena, word formation is a priority issue, so the aspects of this phenomenon related to lexical, semantic and syntactic derivations are not clearly defined. At the same time, in the studies, special attention is paid to analogical types of derivational events that occur within the internal possibility of a certain language. The article tries to study trope derivation – i.e., the phenomenon of metaphor, giving examples and trying to study it.

Key words: trope, metaphor, derivation, semantic, syntactic, lexical, analogical, type, interpretation, object, trasfer, abstract

---

Корейс тилида метафора 은유 дейилиб етказиб бўлмайдиган маънони ифодалаш учун ўзига хос хусусиятга эга бўлган бошқа предмет ёки нарсадан фойдаланиб ифодаланадиган тил ҳодисасидир. Метафора тилнинг ўхшатиш ҳодисасига киради (масалан: 책상의 다리 — столнинг оёғи) каби [1, 15].

Метафора асосида ном кўчиши - нарса, белги ёки ҳаракатга хос атаманинг (сўзнинг) ўзаро ўхшашлиги бўлган бошка белги, нарса, харакат ҳакидаги тушунча учун хам қўлланиши, шу тушунчанинг ҳам номига ўтиши (айланиши) дир.

Метафора асосида ном кўчиши предмет, белги, ҳаракат, ҳолатларнинг кенг маънодаги ўхшашлигига асосланади. Асос конкрет, абстракт бўлиши мумкин. Метафора ном кўчишининг бошқа усулларидан фарқловчи "объектив ва субъектив ўхшашлик"ка асосланиш белгиси бир қарашда жуда яққолдек туюлса-да, унинг назар моҳиятига назар ташлаш билан мураккаб ҳодиса эканлигини кўрсатади [2, 256]. Бу икки омил билан белгиланади:

1.Метафорада кўчимнинг кўчиш базаси доим ҳам тўла, аниқ бўлавермайди. Масалан, олтинбош, кўчаётган сўз "олтин" айнан қайси сўз ўрнида келаяпти – ноаник. Балки қимматли, ақлли, доно ва ҳоказо сўзлардир. Корейс тилида ҳам худди шу каби мисолни кўришимиз мумкин. 금머리 — 금 тилла сўзи қимматбаҳоми ёки ақллими бу матн таркибида англашилади.

2.Ўхшатиш субъектив ҳосил қилинганида эса, ҳосил қилувчидан бошқа шахс учун ўхшашликни тиклаш қийин кечади ва ҳатто умуман мумкин бўлмайди. Масалан, бирон киши ўзи учун суюкли шахсни чумчуғим деб атаса, чумчуқни ёқтирмайдиган ёки билмайдиган шахс бу метафора асосини топа олмайди ва бундай аташ асосида мазах ёки меҳр ётганини фарқламайди. Ёки корейслар боласини эркалаб 새끼 деб аташади, аслида бу сўз ҳайвоннинг боласига нисбатан ишлатилади 개새끼.

Демак, метафора асосида турувчи ўхшатиш метафора табиатига таьсир ўтказар экан. Шунинг учун ҳам:

Метафора - ўхшатиш очиқ бўлганда, тушунарли, ўхшатиш ҳосил қилинганда тушунарсиз, ўхшатиш йўқолганда, сезиларсиз бўлади [3, 34].

Кўчма маъноларни атрофлича тадқиқ этган М.Миртожиев метафораларнинг денотат ўхшашлиги белгисига кўра уч гуруҳга бўлади:

1) оддий метафора; 2) персонификация (жонли объект жонсиз объектни ўзига номдош қилиб олиши); 3) синестезия (сезги орқали ҳис этиладиган иккинчи объектни номдош қилиб олиши). Бунда оддий метафора белгиларга қараб оддий қиёслаш, персонификация — жонлантириш орқали қиёслаш, синестезияда эса субъектив холатда киёслаш ухшатиш учун асос булади.

1) оддий метафора

시계의 손 соат мили

책상의 다리 столнинг оёғи

감자의 눈 картошканинг кўзи

2) персонификация

강아지 똥이 그렇게 잔뜩 화가 나 있는데 흙덩이는 강아지 똥을 보고 방긋 웃었습니다. – Кучук тезаги мана шундайжаҳлга миниб турган экан, кесак кучук тезагини кўриб юзига кулгу ёйилди

토끼는 너무도 분하여 눈물을 흘렸다 Қуён жуда ҳам хафа бўлиб кўз ёши оқизди

3) синестезия

애를 쓰다 куйиб пишмоқ, сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак ичини ишлатмок, яъни ичидан куйиб-пишмоқ.

맛있는 냄새 - мазали овқат ёки ширин нарсаларга нисбатан ишлатилади

뜨거운 내 사랑 - менинг қайноқ севгим, шоир ёки адиб ўз асарларида шу маъно кўчишидан фойдаланади

뜨거운 숨 - қайноқ нафас, бадиий адабиётда севишганлар ҳиссиётида ишлатиладиган маъно кўчиши. Ўхшашликнинг йўқолиши метафорик қўлланувчи сўзларни оддий номларга айлантиради. Метафораларнинг одатий, синестетик метафоралар ва жонлантириш тарзида тилшуносликда фарқланадиган барча турлари бадиий матнда ижодкор маҳорати билан ўзига хос тарзда яратилади ва кучли даражада поетик актуаллашади, бадиий мазмуннинг ифодаланишида фаол иштирок этади [4, 41].

Метафора образли тафаккур натижаси бўлиб яралади ва, гарчи, умуман, тил ҳодисаси бўлса ҳам, бу хусусиятини тил эстетик функция бажарувчи поэтик бу хусусиятини тил эстетик функция бажарувчи поетик нуткдагина тўла намоён этади. Зеро, метафора нарса-ҳодисани шунчаки атаб қўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақидаги жонли тасаввур - образ яратади. Бу образ поетик нуткдагина аслича, яъни образ сифатида қабул қилинади, нутқнинг бошқа кўринишлари доирасида эса тушунча сифатида қабул қилинади. Санъат, хусусан, поезия образли тафаккур қилиш ва образли ифодадир. Шунга кўра, метафорани факат нутқ безаги эмас, балки балиий тафаккур механизми сифатида тушунилса, тўғри бўлади. Чунки метафора шоирга ўз ички оламини (ташқи оламга қиёсан) ва ташқи оламни (ички оламига қиёсан) англашга ёрдам берувчи тенги йўқ воситадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 비유의 인지언어학적, 탐색, 임지룡 2015 태학사
2. Метафоры которыми мы живем, Дж.Лакофф, М.Джонсон. – пер. с англ. / Под ред. И с предисл. А.Н. Баранова. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.
3. Bazarova, S. (2023, December). PAK VAN SO VA SAIDA ZUNNUNOVA IJODIDA “AYOL” KONSEPTI. In *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit* (pp. 51-60).
4. Usmonqulovna, B. D. (2024). KOREYS VA O ‘ZBEK TILLARIDA AFFIKSLAR SEMANTIKASI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 46(7), 12-18.
5. Kamarova, M. (2022). Koreys va o’zbek tillarida so’z yasovchi qo’shimchalar orqali so’z yasalishi qiyosiy tadqiqotidan ta’limda foydalanish. *Ученый XXI века*, (7 (88)), 34-41.
6. Azizova, S. B. (2023, December). KOREYS VA O’ZBEK TILLARIDA HURMATNI IFODALOVCHI LINGVISTIK VA EKSTRALINGVISTIK VOSITALARNING QIYOSIY TAHLILI. In Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit (pp. 138-141).
7. Melikova, U. (2022). PRAGMATIC SEMANTIC FEATURES OF THE TEXT IN KOREAN AND UZBEK LANGUAGES. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, *4*, 371-373.
8. Вахабова, М. Т.Становление лингвокультурологии как самостоятельной научной дисциплины. Innovation:The journal of Social Sciences and Researches,1,101-103.
9. Баенханова, И. (2019). Паремияларнинг турли тизимдаги тилларда умумий хусусиятлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (2 (71)), 64-66.
10. Алимова, Д. (2022). Лексические средства выражения вежливости. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 24), 542-554.
11. Turakulova, S. F. Differences and Similarities of Derivative Adverbs in Uzbek and Korean Languages.
12. Turniyozov N., Turniyozova K., Xayrullayev X. Struktur sintaksis asoslari //Samarqand: SamDCHTI. – 2009.

13. Хайруллаев Х. З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати //Номзод. дис автореферати. Тошкент. – 2001.

14. Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. – 2002.

15. Khayrullaev K. Z. The relation of word, word composition and sentence to the predicativeness //Abstract of candidate dissertation.–Tashkent. – 2001.